



# Vaziyat

2023 йил  
6 апрель  
№ 14 (903)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида “Амир Темурнинг буюк давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Анжуманда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлари институти, Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти илмий ходимлари, ФВВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Академия бошлигининг биринчи ўринбосари в.в.б, подполковник Фурқат Назаров

Амир Темур нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк саркарда эканлигини таъкидлади.

Анжуман ишида маърузачилар томонидан Соҳибқирон Амир Темур ўз замонининг энг кучли ва жанговар лашкарини ташкил қилишга муваффақ бўлганлиги, бобокалонимиз яратган қудратли армия жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида тан олинганлиги, асрлар мобайнида ибрат ва андоза вазифасини ўтаган



лиги ҳамда ҳарбий санъат тарихи сифатида кенг кўламда ўрганилганлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида мутахассислар иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

ФВВ Матбуот хизмати.



### “ЯШИЛ МАКОН”

Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғи генерал-майор Р.Ҳайдаров Шайхонтоҳур тумани ФВ бўлимида бўлди ва ҳудудда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш ҳамда мевали, манзарали дарахтларга шакл бериш ва кесиш ишлари билан яқиндан танишди.

Мазкур умуммиллий лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Г.ҚОДИРОВА,

Шайхонтоҳур тумани ФВ бўлими ходими, оддий аскар.

Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҲАЛ:

## ЎҚУВЧИЛАР – СОВРИНДОРЛАР САФИДА



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар тасарруфидаги “Темурбеклар мактаблари” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейлари ўқувчилари ўртасида “Мен голиб!” шиори остида 5000 метрга оммавий югуриш мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада ФВВ Шаҳрисабз “Темур-

беклар мактаби” ҲАЛ ўқувчилари ҳам фаол иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгалладилар.

Голиб ва совриндорлар ҳомийлар, мусобақа ташкилотчилари томонидан кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ФВВ Матбуот хизмати.

## ХАЙРЛИ ТАМОЙИЛ

Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Тошкент шаҳрида яшовчи Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити асосида олинган турар жой учун тўланган пул маблағларининг солиқ солинмайдиган қисмини солиқ идораларидан қайтаришда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳарбий прокуратура томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда амалга оширилаётган тадбирлар, ўтказилаётган қабулларда Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ, ортиқча тўланган солиқ пулларини ундириб бериш бўйича хизмат тури солиқ идораларида тадбиркорлар томонидан ҳақ эвазига амалга оширилаётгани, у ерда фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар навбат кутиб, ортиқча овора бўлишаётгани аниқланди. Ушбу ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида, ҳарбий хизматчиларнинг нодавлат мактабгача таълим муассасалари, олий таълимнинг контракт ҳамда ипотека кредити учун амалга оширилган тўловларда солиқ имтиёзи мавжудлиги Ҳарбий прокуратура ҳамда Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари сайтларида

кенг тарғиб қилиниб, Ҳарбий прокуратура биносида бепул электрон давлат хизматлари кўрсатилди ва тегишли солиқ тўловларни қайтариш ишлари йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга қадар 100 га яқин ҳарбий хизматчига 200 млн. сўмдан ортиқ тегишли солиқ ушланмалари қайтарилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳарбий хизматчиларнинг ортиқча навбат кутишлари, овора ва сарсон бўлишлари, энг асосийси, пул харажат қилишларининг олдини олиб, давлат органларидан “рози” бўлишларига ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирда Ҳарбий прокуратурада бу каби хизмат кўрсатиш давом этмоқда.

Бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий



прокуратурасига мурожаат қилиш учун ташриф буюришингиз сўралади:

1) ипотека шартномаси, ойлик иш ҳақи ҳақидаги бир йиллик маълумотнома, банкдан кредит тўлангани ҳақида йиллик маълумотнома (PDF варианты битта файлда);

2) паспорт нусхаси;

3) ўзининг пластик картаси рақами (ушбу пластик

картанинг банки, банк МФО рақами, банк ИНН, банк транзит ҳисоб рақами);

4) шахсий электрон имзо флешкада.

Мазкур хизмат ҳарбий прокуратурада бепул амалга оширилади.

**Сардорбек ЁРМАТОВ,**  
Республика Ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги.

## ИЖТИМОЙ КЎМАК

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан жорий йил икки ойнинг ўзига фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш кўрсаткичи 80 баравага ортиб, 20 минг 654 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқларининг тикланишига эришилди.



Бу борада ижтимоий соҳадаги қонун ҳужжатлари ижроси аҳволи устидан прокурор назорати самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.2013 йилдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тарти-

бини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 204-сон қарори ижроси ўрганилиб, мазкур қарорга мувофиқ Наманган вилоятининг Чернобль АЭС ҳалокати оқибатида касаллик орттирган 450 нафар ногирон шахслари тиббий кўриқдан ўтказилиб, бепул дори-дармонлар билан таъминланди.

Республика бўйича 1500 нафардан ортиқ бу тоифадаги шахсларнинг йиллар давомида бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Сардорбек ОХУНОВ,**  
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим катта ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.

2023 йилнинг 23 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

## ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗ

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими янада содда-лаштиради.

Жумладан, 2023 йил 1 майдан:

ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қис-



мини тўлашдан озод қилинади.

Мазкур тартиб эндиликда суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Шунингдек, 2023 йил 1 сентябрдан:

судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг “Тезкор маълумотлар” ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шакллантирилади.

Бу бўйича маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган санининг эртасидан кеч и к т и р м а с д а н тегишли шахснинг ЯИДХП (my.gov.uz) даги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.

**Шухрат САНАЕВ,**  
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия полковниги.

Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси мажлислар залида узоқ йиллар давомида ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилган, ҳозирда Бош прокуратура Академиясида ёшларга сабоқ бериб келаётган адлия полковниги Баҳодир Худойбердиевни таваллуд топган куни билан табриклаш ҳамда ҳарбий прокуратура органларидан нафақага кузатиш тадбири бўлиб ўтди.

## КУЗАТИШ

Унда иштирок этган Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Кудраҳоджаев ўз сўзида Баҳодир Худойбердиев ҳарбий прокуратура органларида 28 йил, шундан қарийб, 20 йил давомида турли раҳбарлик лавозимларда сидқидилдан хизмат қилиб, Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшганини таъкидлади. Қолаверса, таваллуд айёми билан самимий муборакбод этиб, ёш авлодга таълим-тарбия



беришда куч-қувват ва зафарлар тилади.

Тадбир давомида Республика Ҳарбий прокуратураси ходимлари ҳам ўз тилақларини билдиришди.

**Шерзод ҲАЙИТОВ,**  
Республика Ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси, адлия полковниги.

## АРМИЯ ПРОКУРОРИ КУНИ

Тошкент ҳарбий прокурори Акбар Бобоев иштирокида Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда “Армия прокурори куни” ташкил этилди.

Тадбир давомида ҳарбий прокурор томонидан ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш ишларида амалий ёрдам кўрсатиш, ҳарбий прокуратура органлари билан яқин ҳамкорлик, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб чиқилди. Бундан ташқари, Ангрен шаҳридаги Тошкент ҳарбий округи полигонига ташриф буюрилди ва ҳарбийларга яратилган шароитлар билан танишилди.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси.

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasida "Ma'naviyatga tahdid – o'zligimizga tahdid", "Globallashuv jarayonlari va ma'naviy tahdidlar" hamda "Korrupsiyaga qarshi kurash" mavzularida davra suhbatlari tashkil etildi.

## OGOHLIK



Mazkur tadbirlarda boshqarma shaxsiy tarkibi, Toshkent harbiy prokurori o'rinbosari, adliya mayori F.Saysultonov, Mirzo Ulug'bek tumani "To'qaytepa" jome masjidi imom-xatibi S.Mamadaliyev, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi mas'ul xodimi, Targ'ibotchilar jamiyati uyushmasi a'zosi N.Botirov va Din ishlari bo'yicha qo'mitaning Mirzo Ulug'bek tumani bo'yicha bosh mu-

taxassisi A.Omonovlar ishtirok etdi.

Davra suhbatlari davomida hozirgi globalashuv davrida chetdan kirib kelayotgan turli ma'naviy tahdidlar va ularga qarshi kurash to'g'risida tushuntirish ishlari amalga oshirildi.

**Sh.AHMADALIYEV,**  
FVV MMQB bo'lim boshlig'i, kapitan.

**I.KAJANOV,**  
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

## ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Қашқадарё вилояти ФВБ ва унинг ҳудудий бўлимларида коррупциянинг олдини олиш ва қарши курашиш юзасидан ҳарбий хизматчи ҳамда хизматчилар иштирокида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.



Mazkur taдбирларда мавзуга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда вазирликнинг тегишли буйруқлари мазмун-моҳияти ўрганилмоқда. Белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши, тизимда коррупцияга қарши курашиш, хизмат самарадорлигини ошириш, шахсий таркиб ўртасида коррупция билан боғлиқ ноҳуш, салбий ҳолатларнинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда. Таъмағирлик, фирибгарлик каби жиноятлардан сақланиш, вазирлик кадр-қиммати ва ҳарбий хизматчи шаънига путур етказувчи салбий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик зарурлиги айтилмоқда. Шахсий манфаатларни кўзлаган ҳолда мансабни суистеъмол қилиш каби ҳолатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашиш лозимлиги тушунтирилмоқда.

**Т.ТЎРАЕВ,**

Қашқадарё вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи, подполковник.

**Ў.ЮЛДАШЕВ,**

Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

## ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

ФВВ Академиясида Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича "Конституция меники, сеники, бизники! Конституция ўзимизники" шиори остида тарғибот тадбири ҳамда концерт дастури ўтказилди.

Мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулруҳ Арзамова, Халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгаши депутатлари Санжар Вафаев, Умида Нишанбекова, Янгиҳаёт тумани "Янги умид" маҳалла фуқаролар йиғини ра-



иси Ҳабибулла Тиллаев, Академия ҳарбий хизматчилари, курсантлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар томонидан Академия курсантларига янгиланаётган Конституциянинг муҳим жиҳатлари, мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, унга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгаришлар халқимиз турмуш тарзининг янада фаровонлашиши, инсон қадрининг бундан юксалишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, майор.

## “BU MENING TANLOVIM – BU MENING KONSTITUTSIYAM!”

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi va Mirzo Ulug'bek tumani hokimligi hamkorligida "Bu mening tanlovim – bu mening Konstitutsiyam!" shiori ostida "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonun loyihasining mazmun-mohiyatiga bag'ishlangan tadbir tashkil etildi.

Tadbir davomida Konstitutsiyaga kiritilayotgan o'zgartirish hamda qo'shimchalar xususida ma'lumotlar berib o'tildi.



**Sh.AHMADALIYEV,** FVV MMQB bo'lim boshlig'i, kapitan.  
**I.KAJANOV,** OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

## УЧРАШУВ

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бошлиғи полковник Х.Зоиров, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари капитан Шоҳруҳ Турсуновлар иштирокида "Менинг бошқарма – коррупциядан холи ҳудуд" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Марказга бевосита бўйсунувчи Учқудуқ туманида жойлашган бўлим ва ёнгин-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби ва барча раҳбар ходимлари қатнашган ушбу тадбирда ҳарбий хизматчи ва хизматчиларни ишлаб чиқиладиган раҳбарий ҳужжатлар билан мунтазам равишда таништириб бориш,

бундан ташқари, қўл остидаги ходимлар тарбияси билан ўз вақтида шуғулланиш, ходимнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини, хизмат ва хизматдан ташқари вақтларида ҳам назорат қилиш, профилактик тадбирларни юқори савияда

ташкил этиш тушунтирилди.

Тадбир якунида шахсий таркибнинг саволларига жавоб берилди.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

## МА'NAVIY MEROS

Mazkur tadbir harbiy xizmatchi va xizmatchilarning ma'naviy-intellektual salohiyati, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirish, ona-Vatan va xalqiga muhabbat va sadoqat tuyg'usi bilan yashaydigan barkamol shaxs etib tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega hisoblanadi.

Tinglovchilar badiiy, huquqiy, madaniy va ma'rifiy yo'nalishdagi bilimlarini oshirish uchun o'zlariga kerakli kitoblarni xarid qilishdi.

**F.MAVLONOV,**  
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM bo'linmasi boshlig'i, podpolkovnik  
**B.ISHNAZAROV,**  
Axborot-resurs markazi boshlig'i, kichik serjant.



## ЎҚУВ МАШҚИ

Қораўзак туманида “Бошқарув органлари, ФВДТ туман бўғини хизматларининг фавқулдда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

Тадбир давомида ер силкиниши оқибатида юзага келган вайроналарни тозалаш, жабрланганларни қутқариш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, авария-тиклаш ишларини олиб бориш, аҳоли, уларнинг мол-мулклари ва чорва ҳайвонларини хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш, шунингдек, аҳолини қабул қилиш пунктига олиб бориш вазифалари бажарилди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқи орқали аҳолининг табиий ва техноген тусдаги фавқулдда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилиш, ФВДТ туман бўғини хизматларининг фавқулдда вазиятларни бартараф этишдаги ҳаракатлари бўйича билим ҳамда кўникмалари янада оширилди.

**А.АМИРХОНОВ,**  
Қораўзак тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

Бектемир тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан “Олтинтопан” МФЙ ҳудудидаги “Сифатли товуқ” МЧЖда ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулдда вазиятларнинг олдини олишга оид махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

## МЧЖДА МАШҒУЛОТ



Машғулотда туман ФВДТга кирувчи ташкилотлар шахсий таркиби, куч-воситалари иштирок этди.

Тадбир давомида фавқулдда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш кўникмалари амалда кўриб чиқилиб, иштирокчилар учун махсус қутқарув техникалари, ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарининг кўргазмаси ташкил қилинди.

Машғулот якунида йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб ўтилди ва уларни бартараф қилиш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

**Дониёр КЕНЖАБОВ,**  
Бектемир тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

## AMALIY SINOV

Qamashi tumani “Samarqand” MFY hududidagi 2-kasb-hunar maktabida “Aholi o’rtasida Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligi tarqalishining oldini olishda favqulodda vaziyatlar davlat quyi tizimi xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida ko’rgazmali maxsus-taktik o’quv mashqi o’tkazildi.

Tadbir davomida ishtirokchilarga tuman FV, veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo’limlari, SEO va JSX, Obodonlashing boshqarmasi va Tibbiyot birlashmasi mas’ul xodimlari tomonidan mazkur

kasallikning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlarning bajarilishi yuzasidan hisobotlar hamda takliflar yetkazildi.

Shuningdek, kasallikka qarshi kurash tadbirlariga oid vazifalarning bajarilishi,

va yo’l qo’yilayotgan kamchiliklarni bartaraf etish borasida fikr almashildi.

Kasallik o’choqlarida olib boriladigan dezinfeksiya tadbirlari ko’rgazmali tarzda namoyish qilinib, veterinar mutaxassislar tomonidan uy hayvonlarini saqlash borasida amal qilinishi lozim bo’lgan sanitariya qoidalari eslatib o’tildi.

Bundan tashqari, mahalla hududida qurilishi tugallanmagan obyektlar ishchi-xizmatchilari, mahalla fuqarolari va kollej o’quvchisi hamda o’qituvchilariga qurilishda sodir bo’lishi mumkin bo’lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo’yicha targ’ibot-tashviqot tadbirlari olib borildi.

**O.XUSHVAQOV,**  
Qamashi tumani FV bo’limi NTB boshlig’i, kapitan.  
**A.OMONQULOV,** bo’lim FVDT va FMFTEXTB boshlig’i, kapitan.



## MASHINA OLIB CHIQILDI

O’rtachirchiq tumani FV bo’limiga “Chevrolet Spark” rusumli avtotransport vositasi haydovchisi boshqaruvini yo’qotib, “Qorasuv” mahalasi Temirchi ko’chasidan oqib o’tuvchi zovurga tushib ketganligi haqida xabar kelib tushdi.

Voqea joyiga bo’limning tezkor qidiruv-qutqaruv otryadi zudlik bilan yetib bordi. Shundan keyin ushbu avtomashina maxsus texnikalar yordamida zovurdan olib chiqildi. Hodisa oqibatida halok bo’lganlar hamda tan jarohati olganlar yo’q.

**Sh. O’ZGANOV,**  
O’rtachirchiq tumani FV bo’limi bo’linma boshlig’i, katta-leytenant.

**A.ZOKIROV,**  
bo’linma inspektori, katta serjant.

Куйичирчиқ тумани Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари орасидан саралаб олинган 4 та жамоа ўртасида “Ёш қутқарувчи” кўрик-танлови мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

## ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ

Мазкур тадбир иштирокчилари турли шартлар бўйича ўзаро баҳс олиб боришди.

Қизғин ва кўтаринки руҳда кечган баҳсларда 3-ўринни 42-мактабнинг “Ёш ватанпарварлар” жамоаси эгаллади. 11-мактабнинг “Халоскорлар” жамоаси 2-ўринни банд этган бўлса, 1-ўрин 35-мактабнинг “Қалқон” жамоасига насиб этди ва мазкур жамоа Тошкент вилояти “Ёш қутқарувчилар”

кўрик-танловига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиблар туман ФВ бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

**Э.ЖУМАБОВЕВ,**  
Куйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.  
**С.БОЙБЎТАЕВ,**  
Куйичирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.



## СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

Навоий шаҳрида армрестлинг спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Қизғин ва мурасасиз кечган мусобақада республикамизнинг

нашди. Мазкур мусобақада ФВВ Академияси курсанти Неъмат Бешимов 75 кг. вазн тоифасида чап қўлда фахрли 3-ўринни эгаллади.



12 та вилоятидан турли вазн тоифасидаги 300 нафардан ортиқ профессионал спортчи қат-

нашди. Мазкур мусобақада ФВВ Академияси курсанти Неъмат Бешимов 75 кг. вазн тоифасида чап қўлда фахрли 3-ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тантанали тақдирландилар.

**Ф.ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, майор.

## ЭНГ ЯХШИ ГУРУХ



Наманган вилояти ФВБ ҳудудий ёнғин-қутқарув қисмларида ташкил этилган ГТХХ гуруҳларининг касбий ҳамда жанговар тайёргарлиги, кўникмаларини ошириш, нафас олишга яроқсиз муҳитларда қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш, фавқулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда жанговар ҳаракатларни амалга оширишда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида, “Энг яхши ГТХХ гу-

руҳи” кўрик-танлови ўтказилди.

Ушбу кўрик-танловда 3-ўринни Поп тумани ФВ бўлими жамоаси, 2-ўрини Наманган шаҳар ФВ бўлими 3-ЁҚҚ жамоаси, 1-ўринни Чуст тумани ФВ бўлими 25-ЁҚҚ қўлга киритди. Иштирокчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Абдуназар СОЙИБНАЗАРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ Тезкор бошқарув маркази бошлиғи, подполковник.

## AMALDA KO'RILDI

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Farg'ona mintaqaviy o'quv markazida favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishga oid amaliy-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Tadbir davomida markaz binosida shartli ravishda sodir bo'lgan yong'inni bartaraf etish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish bo'yicha amaliy harakatlar olib borildi.

Shuningdek, o'quv markazi tinglovchilariga sohada qo'llanilayotgan



zamonaviy texnikalar ko'rgazmasi tashkil etilib, ularning imkoniyatlari to'g'risida ma'lumotlar berildi.

**Ahliddin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB  
OAV va JTBHQG  
boshlig'i, katta leytenant.

## MARKAZ KUBOGI

Musobaqa davomida harbiy xizmatchilar 4 qavatli o'quv minorasiga ishg'ol qilish narvoni orqali chiqish, 100 m. masofada to'siqlar aro o'tish hamda estafeta

Qashqadaryo viloyati "Dinamo" stadionida yong'in amaliy sporti bo'yicha "Lukoil" MChJ Obyektlarining yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish markazi birinchiligi o'tkazildi. Musobaqada Buxoro va Qashqadaryo viloyatlarida joylashgan 7 ta yong'in-qutqaruv qismi harbiy xizmatchilari o'z mahoratlarini namoyon etdilar.

orqali o'zlarining kasbiy tayyorgarliklarini namoyish etdilar.

Hakamlar qaroriga asosan, umumjamoa

hisobida birinchi o'rinni 2-yong'in-qutqaruv qismi, ikkinchi o'rinni 3-yong'in-qutqaruv qismi va uchinchi o'rinni 1-yong'in-qutqaruv qismi qutqaruvchilari egalladi.

Musobaqa yakunida g'oliblarga sovrin va esdalik sovg'alari topshirildi.

**S.HAMIDOV,**  
"LUOK" MChJ  
YXTTEB P va NB  
inspektori, kapitan.



## KO'RIK-TANLOV

Xorazm viloyati FVB hamda Urganch harbiy prokuraturasi hamkorligida Urganch garnizonida joylashgan harbiy qism va muassasalarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarning 6-sinf dan yuqori sinflarda tahsil olayotgan farzandlari o'rtasida matematika va ingliz tili fanlaridan "Yosh matematik" va "Ingliz tili bilimdoni" tanlovlari o'tkazildi.



Bundan tashqari, favqulodda vaziyatlarining oldini olish va bunday vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish tartibi, yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida tushuntirish ishlari ham olib borildi. O'quvchi-yoshlar uchun yong'in-qutqaruv texnikalari, asbob-anjomlari namoyishi tashkil qilinib, qutqarish ishlari va

sodir bo'lgan yong'inlarni bartaraf qilishda ulardan foydalanish borasida ma'lumotlar berildi.

Tinglovchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga soha mutaxassislaridan javob olishdi.

**Hojiakbar RUSTAMOV,**  
Xorazm viloyati FVB  
OAV va JTBHQG  
boshlig'i, oddiy askar.

Oltiariq tumanida "Aholi o'rtasida Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligi tarqalishining oldini olish hamda bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat quyi tizimi xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.

## MAXSUS-TAKTIK O'QUV

O'quv mashqining amaliy bosqichida Oltiariq tumani 2-sonli kasb-hunar maktabi hududida maxsus-taktik o'quv mashqiga jalb etilgan shaxsiy tarkib va texnikalarning saf ko'rigi o'tkazildi. Tuman tibbiyot birlashmasi Yuqumli kasalliklar bo'limida belgilangan talablar asosida epidemiyaga qarshi tadbirlar tashkil etilib, shifoxonada gospital, izolyator va observator tayyor holga keltirilib, Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligiga gumon qilingan bemorga tashxis qo'yish, alohidalash, davolash hamda avtotransportlarni zararsizlantirish tadbirlari olib borildi.

O'quv mashqi yakuni bo'yicha Oltiariq tumani FVDT mutasaddi xizmatlari o'ta xavfli yuqumli kasalliklar bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishga "cheklangan tayyor", deb baholandi.

**Elyor SHODMONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
kapitan.



## KUTQARUV ITLARI

Zilzila ruy berdi. B'ron buldi. To'glarda qor kuchisi kuza til di. Ushbu falokatlar ga duch kelgan o damlar ba'zida hech qanday jaro hat olmasa ham vайроналар, qor uymlari ostida qolib ketish ehtimoli mavjud.



Kutqaruvchilar voqea joyiga ke lib, qor ostida tirik o dam borligi haqida bilmasliklari mumkin. Qor uyumi, tuproq va vайроналар ostida qolib ketgan o damni sanoqli daqika da qidiri b topish lozim bu ladi. Bu vazifani faqatgina maxsus urgatilgan itlar bajara oladi. Ulardan foydalanish vaqtdan yutishga, o damlar ning ha etini saqlab qolishga imkon beradi.

Bu bora da "Qamchik" maxsus qidiruv, en ginkutqaruv bo shqarmasida zarur shart-sharoit yaratilgan. Hizmat itlari buyinbo g, 3 va 20 metrli

tasma, ovqatlanish uchun maxsus idi shlar, tumshug bo gi va yana bir qancha zarur bulgan vositalar bilan ta'minlangan. Kutqaruv ishlarida har tomonlama samarali usul - bu maxsus urgatilgan itlardan foydalani shdir. Amaliy etda shu nar sa oydinlashdiki, itlar uchun o damni qidiri b topish mushkul emas. Itlar har qanday kiyin meteorologik sharoitda ham kutqaruv ishlarida vaq tida o dam xidini dar xol pай- qaydi.

**El'or ASHIRMATOV,**  
"Qamchik" MKEKB  
Kutqaruv otryadi  
kinologi, oddiy askar.

## MUSOBAQA

Yanqik'rfon tuman ho kimligi, tuman FB hamda xalq ta'lyimi bu limi hamkorligida utkazilgan "Esh kutqaruvchi" kun gillilar klubi jamoalari urtasida gi "Esh kutqaruvchi" musobaqasining tuman bosqichida umumta'lyim maktablarining 8 ta jamoasi qatnashdi.

Musobaqa yakunida 7-sonli umuta'lyim maktabi 1-urinni kul ga kir itib, viloyat bosqichiga y'ullanma ol di.

**Anvarjon ABDULLAEV,**  
Yanqik'rfon tumani FB bu limi bo shligi,  
podpolkovnik.

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazining malakali o'qituvchilari tomonidan yong'in-qutqaruv avtomobili haydovchi-qutqaruvchilari tarkibi bilan ochiq ko'rgazmali mashg'ulot o'tkazildi.

Sohaning yosh haydovchi-qutqaruvchilariga yong'in-qutqaruv avtomobilining dvigateli va uning ishlash prinsiplari hamda undagi mavjud maxsus agregat, tuzilishi bo'yicha tushunchalar berilmoqda.

Mashg'ulot davomida yosh haydovchi-qutqaruvchilarning savollariga javob berildi.

**R.MAXAMOV,**  
FVV Akademiyasi huzuridagi BVaMOM katta  
o'qituvchisi, podpolkovnik.  
**J.XOLMURODOV,** o'qituvchi, mayor.

## OCHIQ DARS



ФВВнинг “Хавфсиз дарё” ДУК, вилоят Фавқуллода вазиятлар ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида Тўрақўрғон тумани “Оқтош” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтадиган “Косонсой” ўзанидаги участкада лойиҳа ишларини бажарувчи “Тўрақўрғон туман йўллардан фойдаланиш” УК ва “Истиқлол жавоҳири” МЧЖларда кўргазма-амалий семинар машғулоти ўтказилди.



## СЕМИНАР

Машғулоти давомида иштирокчиларга маърузачилар томонидан тозалов ишларини олиб бориш тартиби хусусида тушунчалар берилди.

Шунингдек, иштирок-

чиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**Хуршид МАТНИЯЗОВ,**  
**Наманган вилояти**  
**ФВБ бўлими бошлиғи,**  
**подполковник.**



## МУҲИМ МАВЗУДА

Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт тумани ФВ бўлими томонидан ФВДТ ва ФМ ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар ва ўқув-амалий машғулоти олиб борилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида давлат тасарруфидаги объектларда, шу жумладан, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш масканлари, аҳоли яшаш жойларида фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан иштирокчиларга маълумотлар берилмоқда.

Хусусан, тумандаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари билан ўтказилган учрашувда бўлим мутахассислари томонидан соҳага оид тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Саидмансур ТУРСУНОВ,**  
**Янгиҳаёт тумани ФВ бўлими бошлиғи,**  
**подполковник.**



## КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИДА

Конимех туманидаги касб-ҳунаар мактабидан ёнғин хавфсизлиги ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олишга оид тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан хонадонларда носоз, қўлбола газ ва электр ускуналарида фойдаланмаслик, иситиш печларининг дудбуронларини тўғри ўрнатиш, газ ва муқобил ёқилғи, кўмир, ўтиндан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, фавқуллода вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш бўйича тушунтириш берилди.

Шунингдек, туман ФВ бўлими томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган техника ва жиҳозлар кўргазмаси ташкил этилиб, ўқувчи-ёшларга ёнғин ўчириш техник асбоб-анжомлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

**С.ТОЛИБОВЕВ, Р.РАҲМАТОВ,**  
**Навоий вилояти ФВБ ходимлари.**

## TARG'IBOT

Ohangaron shahar FV bo'limi tomonidan 6-davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida profilaktik tadbir o'tkazildi. Tadbir davomida favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda harakat qilish bo'yicha nazariy va amaliy mashg'ulotlar olib borildi. Shuningdek, tarbiyachi va tarbiyalanuvchilar bilan suhbatlashilib, eslatma materiallar tarqatildi.

**Azizbek QO'SHAQOV,**  
**Ohangaron shahar FV bo'limi boshlig'i**  
**o'rinbosari, kapitan.**

**Feruzjon NURITDINOV,**  
**bo'linma boshlig'i, katta leytenant.**



## “OCHIQ ESHIKLAR KUNI”

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tay-yorgarlik va malaka oshirish markazi tomonidan Samarqand viloyati Pastdarg'om tumanidagi ixtisoslashtirilgan maktab o'quvchilari ishtirokida “Ochiq eshiklar kuni” tadbiri o'tkazildi.



Unga maktabning 9-10-sinf o'quvchilari jalb etilib, ular Markazning malakali mutaxassislariga tomonidan qutqaruv, tog' va avariya-qutqaruv asbob-anjomlari, radiatsion, kimyoviy, biologik zararlangan obyektlarda yong'in o'chirishda qo'llaniladigan asboblari hamda himoya vositalari, yong'in o'chirish avtomobili, uning tarkibiy qismlari, tuzilishi bilan to'liq tanishtirildi.

Shu bilan birga, vi-

loyatdagi o'ta muhim va toifalangan obyektlarning ko'rgazma maketlarida mashg'ulot o'tkazilib, ishtirokchilarga nazariy tushunchalar berildi. Tadbir yakunida o'quvchilar yong'in-qutqaruvchilarning jangovar yoyilishiga oid amaliy mashg'ulotning guvohi bo'lishdi.

**F.MAVLONOV,**  
**FVV Akademiyasi**  
**huzuridagi BTvaMOM**  
**kadrlar bo'linmasi**  
**boshlig'i, podpolkovnik.**



Куйичирчиқ тумани ФВ бўлими томонидан тумандаги ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари, туман деҳқон бозори ҳамда аҳоли яшаш уйларида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

## ЖОЙЛАРДА УЧРАШУВЛАР

Ушбу тадбирларда фуқаролар, мактаб ўқувчилари ва тарбияланувчиларга қор кўчиши, сел, сурункали ёмғир ёғиши натижасида сув тошиши, оммавий заҳарланиш каби фавқуллода вазиятларда қандай ҳаракат қилиш зарурлиги тушунтирилмоқда.

Шунингдек, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш хусусида савол-жавоблар ташкиллаштирилиб, фуқаролар ҳамда ўқувчиларнинг билим кўникмалари янада мустаҳкамланмоқда.

**Э.ЖУМАБОВЕВ,**  
**Куйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма**  
**бошлиғи, катта лейтенант.**  
**У.ЖўРАЕВ, бўлим ФМ ва ФВДТ бошлиғи, капитан.**

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Олмазор тумани “Истиқбол” МФЙ вакиллари ҳамкорлигида 191- ва 196-умумтаълим мактабларида ёнғин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этишга бағишланган тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тадбирлар жараёнида ўқувчилар, ўқитувчилар ва техник хо-

лумотлар, қатор тавсиялар эслатиб ўтилди.

Учрашув давомида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**Шерзод МУСАЕВ,**  
**Тошкент шаҳар ФВБ**  
**ЁНваПБ мутахассиси,**  
**оддий аскар.**

## КЎНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари томонидан “Тепатузар” МФЙ, 232-, 234-, 478-умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаси, 63-поликлиникада ёнғин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш бўйича учрашув тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тадбирларда мутахассислар томонидан фавқуллода вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш, ўзи ва ўзгаларга ёрдам бериш, ёнғин ўчириш ҳамда қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар берилди. Тадбирлар якунида иштирокчиларга мавзуга оид эслатма материаллари тарқатилди.

**М.ЗИКИРОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ЁНваПБ мутахассиси, оддий аскар.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган муҳим ўзгариш ва қўшимчалардан бири инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари билан бево-сита боғлиқ бўлиб, тақлиф этилаётган 25-модданинг янги таҳририга кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.**

## ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ушлаб туришга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга ёки озодликни бошқача тарзда чеклашга фақат суднинг қарорига кўра, йўл қўйилади. Шахс суд қарор қабул қилмагунча қирқ саккиз соатдан кўп муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар ушлаб туриш ёки озодликни бошқача тарзда чеклаш тўғрисидаги қарор белгилан-

ган муддатда суд томонидан қабул қилинмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак.

Шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши керак.

Ҳеч ким шартномавий мажбуриятларни бажара олмаганлигига асосланиб, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки

инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий, илмий ва бошқа тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин ривожлантириш, қонун билан тақиқланмаган ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммаси-

га унинг розилигисиз юклатилиши мумкин эмас.

Ушбу таҳрир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий юридик кучга эга бўлган қонун, Конституцияга киритилиши уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда мавқеини янада оширди, деб айтиш мумкин.

**К.РАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра доценти.

**У.СУННАТОВ,**  
катта ўқитувчи.

## DAVRA SUHBATI

Yangiariq tumani FV bo'limi tomonidan tashkilot va muassasalarda bir qator tadbirlar amalga oshirilmog'da.

Jumladan, tuman Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati bo'limi xodimlari, "Xorazm pilla xolding" MCHJ ishchi-xizmatchilari hamda 22-umumtalim maktabi o'qituvchilari va o'quvchilari bilan o'tkazilgan davra suhbatlarida fuqarolarga yong'in xavfsizligi qoidalariga amal qilish lozimligi aytilди. Favqulodda vaziyatlarning, shuningdek, botulizm va bosh-

qa yuqumli kasalliklarning oldini olish tartibi tushuntirildi.

Qolaversa, tuman hududida sodir bo'lgan favqulodda vaziyatlar, yong'in va is gazidan zaharlanish bilan bog'liq holatlar xususida ma'lumotlar berildi. Tinglovchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga soha mutaxassislaridan javob oldilar.

Tadbir yakunida mavzuga oid eslatmalar tarqatildi.

**Abdusharip MAMATSAPAYEV,**  
Yangiariq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.



**Qashqadaryo viloyati FVB xodimlari va uning hududiy bo'limlari tomonidan profilaktik-targ'ibot ishlari davom ettirilmoqda.**

## TUSHUNTIRISH ISHLARI

Xususan, odamlar ko'p to'planadigan maskanlarda, bozorlarda, ta'lim muassasalarida hamda aholi yashash xonadonlarida bahor mavsumida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlar: sel, ko'chki kabi tabiiy tUSDagi vaziyatlar sodir bo'lganda to'g'ri harakatlanish haqida tushunchalar berilib, o'quv mashg'ulotlari o'tkazilmoqda.

**Alisher KARIMOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB xodimi, birinchi darajali serjant.

## МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

Бугунги кунда ҳар қандай вазиятга шай туриш ва уларнинг олдини олиш учун ҳукуратимиз томонидан турли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ФВ бўлими томонидан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Айни тадбирлар давомида туман ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида, мактабларда ҳамда барча ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда ишчи-хизматчилар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан сел, сув тошқини, овқатдан захарланиш ҳодисаларининг олдини олиш ва бошқа мавзуларга бағишланган суҳбатлар ташкиллаштирилмоқда.

Иккита мактаб ва битта ишлаб чиқариш корхонаси жамоалари машғулотларни ўз муддатида ва камчиликларсиз бажарганлиги учун туман фавқулodда вазиятлар бўлими томонидан рағбатлантирилди.

**Айдос ЕНАЗАРОВ,**  
Чимбой тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

## МАҲОРАТ САБОФИ

ИИБ Академияси "Криминалистик экспертизалар" кафедраси катта ўқитувчиси подполковник И.Ҳайдаров иштирокида ФВВ Академиянинг 3-босқич курсантлари билан "Ёнғиннинг терговга қадар текшируви ва экспертизаси" фанидан "Ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни фош этиш мақсадида тайинланадиган криминалистик экспертизалар ва улар орқали ҳал қилинадиган саволлар" мавзусида маҳорат дарси ташкил этилди.



Машғулотда кўздан кечиришнинг процессуал асослари, босқичлари, турлари, кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомасини тузиш ва тўл-

дириш тартиби, шунингдек кўздан кечириш даврида текширувни амалга ошираётган мансабдор шахс томонидан эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар, фото ва

видео аппаратураларнинг турлари ҳамда уларнинг мақсади, суратга олиш усуллари ва турлари, воқеа жойини кўздан кечириш жойида аниқланган қўл-бармоқ изларини суратга олишнинг ўзига хос жиҳатлари, фото жадвал тайёрлаш тартиби тушунтирилди.

Сўнг ёнғин содир бўлган жойдан ашёвий далилларни танлаш, олиб қўйиш ва экспертизага юбориш тартиби бўйича кенг тушунчалар берилиб, мазкур жараёнда текширувни олиб бораётган мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этишнинг усуллари тўғрисида батафсил фикр юритилди.

Машғулот якунида курсантлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Артём ЛИТЯГА,**  
ФВВ Академияси кафедра бошлиғи, майор.

Оlmazor туманида joylashgan 63-sonli Oilaviy poliklinikada Qrim-Kongo gemorragik kasalligining oldini olish bo'yicha Olmazor tumani FV bo'limi va tuman SEO va JSX xodimlari hamkorligida profilaktik uchrashuv o'tkazildi.

## KASALLIKKA QARSHI



Unda tuman FV bo'limi FVDT va FM bo'linma boshlig'i mayor M.Meliboyev so'zga chiqib, Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligi, shuningdek, kuydirgi hamda quturish kasalligiga qarshi olib boriladigan epidemiologik chora-tadbirlar yuzasidan ma'lumot berdi.

Shuningdek, hududlar yong'in-qutqaruv avtomobillarini harakatlanishiga xalaqit beradigan, o'zbo'shimchalik

bilan o'rnatilgan sun'iy temirbeton to'siqlarni bartaraf etish, yo'llarni yengil avtomobillar bilan to'sib qo'yimaslik zarurligi aytib o'tildi. Hududdagi elektr toki tarqatish qutillarini tuman elektr tarmoqlari korxonasi rahbariyatiga o'rganib, tekshirib chiqish yuzasidan taqdimnoma kiritish lozimligi aytib o'tildi.

**J.PO'LATOV,** Olmazor tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik.

# ИНСОНИЙЛИК – ОЛИЙ БУРЧ

Сергели туманидаги 264-умумтаълим мактабида “Инсонийлик – олий фазилат” мавзусида учрашув ташкил этилди. Унда ФВВ матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари подполковник Самандар Ҳикматуллаев, Бирлашган таҳририят масъул котиби, шоир Баҳодир Обид иштирок этдилар.

Учрашувни мактаб директори ўринбосари Дилдора Ашурматова очиб, тадбир аҳамиятига тўхталди. Шундан сўнг меҳмонлар сўзга чиқиб, инсонийлик олий фазилат эканлиги, айниқса, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ти-

зиммида хизмат қилаётган қутқарувчилар юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилишда зиммаларидаги шарафли вазифаларини фидойлик билан адо этиб келаётганликлари хусусида сўз юритдилар.

Тадбир якунида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.



Шаҳноза РАҲИМОВА,  
мактаб кутубхоначиси.

Одина ВАЛИЕВА,  
ижодкор тарғиботчи.

## СТРЕССНИ БОШҚАРИШ

Стресс – бу, организмнинг зўриқиб ишлаш ҳолатидир. Стресслар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи стрессга ишдаги барча муаммо, тортишув, баҳс ҳамда турли нохушликлар киради. Бундай стресслар вақти-вақти билан ҳамма одамда учраб туради. Ўзингизни хотиржам ҳис этишингиз мумкин, лекин бўлган воқеага ичингизда муносабат билдириб турасиз. Бу ҳолат бироз бўлсада, салбий таъсир кўрсатади. Ички стрессларга кучли жисмоний зўриқишлар, кам уйқу, нотўғри овқатланишлар киради. Ҳаттоки, организмни ёғ босиши ҳам стрессга олиб келиши мумкин. Стресс – жигар, буйрак ва ошқозон-ичак йўллари ишдан чиқариши мумкин.



Организм стрессларга қандай қарайди? Стресс вақтида организм кортизол гормони ва бир вақтнинг ўзида инсулин ҳам ишлаб чиқаради, мушаклар фаол ишлашни бошлайди, оқсилларнинг истеъмол қилиниши ошади. Инсулин ишлаб чиқариш кўпайганлиги оқибатида қондаги қанд миқдори тушиб кетади ва инсонда ҳолсизлик кузатилади. Камдан-кам ҳолатларда стресс вақтида кортизолнинг ортиқчаси тезда танадан чиқиб кетади, аммо кўп учрайдиган сурункали стрессларда организм уни ортиқча ишлаб юборади ва оксидланиш юз беради. Бунинг оқибатида қариш жараёни тезлашади. Шунинг учун инсон кўп ширинлик ва овқат ейишни бошлайди. Уйқу босади, диққат камаёди ва хотира йўқолади. Нотўғри овқатланиш доимо стресс ҳолатлари билан ўтайдиган бўлса, соғлиқда кўплаб муаммолар келтириб чиқаради. Доимий стресс – бу, бутун организмнинг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Стрессни қандай бошқарса бўлади? Стрессни бошқариш – бу, соғлиқни сақлашнинг ҳал қилувчи босқичидир. Бу ҳолатни хотиржам ўтказиш фойдали ҳисобланади. Бунда бизга нафас олиш машқлари ёрдам беради. Стрессни ичингизда сақламанг, унинг ўрнига нафас олиш машқларини бажариб ўзингизни хотиржам ҳис этинг. Шунда кайфиятингиз яхшиланиб, ҳужайралар яна тўлиқ кислородга тўйинишни бошлайди. Стрессни бошқаришда йога машқларини бажариш ҳам фойдали.

Н.ЮСУПОВА, ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ тиббиёт пункти ҳамшираси.

Urganch shahar al-Xorazmiy ko'chasida 2200 nafardan ortiq fuqaro ishtirokida "Yangi nafas" yugurish marafoni o'tkazildi.

Ushbu tadbirda viloyat FVB shaxsiy tarkibining 50 nafari qatnashdi. Ushbu xodimlar marafonda yugurish bilan bir qatorda, ishtirokchilarning xavfsizligini ta'minlash, tan jarohati olishi bilan bog'liq ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish, sodir bo'lganda jabrlanuvchilarga zudlik bilan birinchi tibbiy yordam ko'rsatish ishlariga e'tibor qaratildilar. Shuningdek, marafon start



## MARAFON

chizig'ida 2 ta dalachodirlari tikilib, ishtirokchilarga zarur sharoitlar yaratildi.

3 km. masofani birinchi bo'lib bosib o'tgan ishtirokchilar finish chizig'ida tantanali kutib olindi. Jaloliddin Manguberdi haykali poyida o'tkazilgan taqdirlash marosimida g'oliblarga diplom va qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

Sh.SAMANDAROV,  
Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i, mayor.

## ҲАЙДОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16-февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Тошкент шаҳри жамоат транспорти учун 200 дона 18 метрли ва 500 дона 12 метрли табиий газда ишлайдиган автобуслар ҳамда 300 дона 12 метрли электробуслар харид қилиш белгиланган.

Ҳаракат таркибининг ортиб бориши, ўз-ўзидан автобус ҳайдовчиларига бўлган талабни ошироқда. Шу муносабат билан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ “Д” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига эга ҳайдовчиларни ишга қабул қилмоқда.

“Д” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган, аммо “Б” ва “С” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда 3 йиллик ҳайдовчилик тажрибаси бор фуқаролар “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Жамиятнинг “Ўқув ишлаб чиқариш” МЧЖда махсус ўқитилмоқда ҳамда иш билан таъминланмоқда.

Ўқув жараёнида ҳар ой 920 минг сўм стипендия бериш ҳам йўлга қўйилган. “Д” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш жараёнлари 2 босқичда олиб борилиб, 1-босқичда “Ўқув ишлаб чиқариш” МЧЖнинг малакали устозлари томонидан назарий билимлар берилса, 2-босқичда автобус ҳайдаш кўникмасини олиш учун ҳайдовчилар билан машғулотлар олиб борилмоқда.

Машқ майдонлари “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ташаббуси билан ташкил этилиб, пойтахт жамоат транспорти таркибидаги энг сўнгги русумдаги “МАН” автобуслар ўқув машқларини бажариш учун “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан махсус ажратилди.

Ҳозирги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 76 нафар ҳайдовчи “Д” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқув курсида ўқитилмоқда.

Эслатиб ўтамыз, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга автобус ҳайдовчиларини ишга қабул қилиш жараёнлари давом этмоқда. Сизда ҳам автобус ҳайдовчиси касбида ишлаш истаги бўлса, ҳозироқ (93) 505-03-23 ва (71) 233-03-23 телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг. **Бизнинг манзил: Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси 6-уй.**

Тошшаҳартрансхизмат” АЖ Матбуот хизмати.



**Vaziyat**

gazetasi

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУҲОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**А.ҚОБИЛОВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 7220 нусха